«Максам-Чирчиқ» АЖда давлат тилининг тўлақонли жорий этилишини таъминлашга қаратилган фаолият натижалари ўрганилди

// 10.09.2024
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/maksam-chirchiq-azhda-davlat-tilining-tulaqonli-zhoriy-etili

Бугун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ишчи гуруҳи томонидан «Қадринг баланд бўлсин, она тилим» республика танлови доирасида «Максам-Чирчиқ» АЖда давлат тилининг тўлақонли жорий этилишини таъминлашга қаратилган фаолият натижалари ўрганилди.

Ўрганиш давомида корхонада давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши, иш юритишнинг тўлиқ давлат тилида, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлиши, давлат тили тарғиботи бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил этилди, керакли тавсиялар берилди.

«Максам-Чирчиқ» АЖ Матбуот хизмати